

**МУХИДДИНОВА ДИЛАФРУЗ**

Филология фанлари доктори (DSc), доцент ТДШУ

**Замонавий араб ёзувчиси Жамол ал-Ғитоний ижодида кундалик жанри**Crossref doi: <https://doi.org/10.37547/os/vol-01issue-02-02>

**Аннотация.** Бизга маълумки, мемуар – хотиралар, эсдаликлар бўлиб, “муаллифнинг ўтмишида ўзи бевосита иштирок этган ёки шохиди бўлган воқеалар ҳақидаги хотиралар баён қилинувчи адабий асар. Мемуар асарлар ўзининг баён йўсини, воқеаларни сюжетли тарзда берилмаслиги, вақт тартибига риоя қилиниши, фактографиклик хусусиятлари билан кундаликларга, материалнинг ҳаққонийлиги ва тўқиманинг йўқлиги жиҳатидан ҳужжатли-тарихий очерк, илмий биографияларга яқин туради. Жамол ал-Ғитоний ижодида кундалик жанри унинг ижодий фаолиятининг бошидан бошлаб мавжуд бўлган. Албатта, бу кундаликларда ҳозирда бўлаётган воқеалар билан бирга ўтмишида бўлиб ўтган тарихий воқеалар синкретлашиб (аралашиб), бунга “янги мавж” оқими таъсири ҳам сезиларли таъсир этиб, адиб янги услуб, янги мавзу қидириб топши орқали ўзига хос услубни яратган. Жамол ал-Ғитоний Мисрзамонавий адабиётининг машҳур ёзувчиларидан бўлиб, у Нажиб Маҳфузнинг шогирди ва давомчиси бўлган. Унинг энг машҳур асарлари: “аз-Зайнил Баракат”, “Рисалатун фил важди ва-с-сабаба” романларидир. У XX асрнинг 80-йилларида “Ар-Рафийий”, “Рисалатун фил важди ва-с-сабаба” романларини яратган. Охириги романида Ўзбекистонда келиб олган таассуротлари, мисрлик зиёлининг руҳий инқирози ва сафар давомида шу инқироздан чиқishi ўз аксини топган. Миср халқ меросини замонавийлаштиришига ҳаракат қилиб, ўз ишларида халқ оғзаки ижоди хислатларини қайтадан яратади, тарихий манбалар, кундаликлар ва ҳужжатлардан ҳамда ислом – сўфийлари асарларидан фойдаланди. Лекин буларнинг ҳаммаси фақат замонави тасвирлаш учун, шахс ва жамият, инсоний ҳис-туйғулар ва ўй-хаёлларнинг ўзаро муносабатларини очиқ бериши учун материал ҳисобланади.

**Таянч сўз ва иборалар:** дневник, мемуары, письмо, суфизм, «новая волна», синкретизм, народное наследие, исторический источник, новый стиль

**Аннотация.** Как мы знаем, мемуары - это воспоминания, литературное произведение, где автор описывает воспоминания о событиях, в которых он сам непосредственно участвовал или был свидетелем в прошлом. Мемуарные произведения стоят близко к документально - историческим очеркам, научным биографиям с точки зрения их изложения, отсутствия систематичности в сюжете событий, соблюдения порядка времени, характеристик дневника, достоверности материала и отсутствия вымышленности. Дневниковые записи в творчестве Джамаль аль-Ғитани существовали с самого начала его творческой деятельности. Конечно, в этих дневниках исторические события в прошлом были синкретизированы наряду с сегодняшними событиями, и в результате значительного влияния течения "новая волна", писатель создает свой новый стиль, путем поиска специфического стиля, внесения новых тем. Джамаль аль-Ғитани был одним из известных писателей египетской литературы, учеником и продолжателем Наджиба Махфуза. Его самые известные произведения - романы "Аз-Зайнил баракат", "Рисалатун Фил вайди" и "С-сабаба". В 80-е годы XX века он создал романы "Ар-Рафийий", "Рисалатун Фил вайди и-С-сабаба". В последнем романе отражены впечатления, полученные в Узбекистане, раскрывается психический кризис египетской интеллигенции и пути выхода писателем из этого кризиса во время путешествия. Писатель пытается модернизировать народное наследие Египта, воссоздает особенности устного народного творчества в своих произведениях, используя исторические источники, дневники и документы, а также труды исламских суфиев. Но все это лишь материал для описания современности, раскрывающий взаимоотношения личности и общества, человеческие чувства и фантазии.

**Опорные слова и выражения:** дневник, мемуары, письмо, суфизм, "новая волна", синкретизм, народное наследие, исторический источник, новый стиль.

**Abstract.** As we know, reminiscences are considered to be memoirs, a literary work where the author describes recollections of events in which he himself directly participated or witnessed in the past. Memoir works are close to documentary - historical essays, scientific biographies in terms of their presentation, lack of systematicity in the plot of events, observance of the order of time, the characteristics of the diary, the reliability of the material and the absence of fiction. Diary entries in the works of Jamal al-Ghitani have existed since the very beginning of his creative activity. Of course, in these diaries, historical events in the past were syncretized along with today's events, and as a result of the significant influence of the "new wave" current, the writer creates his new style by searching for a specific style, introducing new themes. Jamal al-Ghitani was one of the famous writers of Egyptian literature, a disciple and successor of





*Najib Mahfouz. His most famous works are the novels "Az-Zainil barakat", "Risalatun Phil vaidi" and "S-sababa". In the 80s of the 20th century, he created the novels "Ar-Rafiiy", "Risalatun Phil vaidi and-S-sababa". The last novel reflects the impressions received in Uzbekistan, reveals the mental crisis of the Egyptian intelligentsia and ways out of this crisis by the writer during the trip. The writer tries to modernize the folk heritage of Egypt, recreates the features of oral folk art in his works, using historical sources, diaries and documents, as well as the works of Islamic Sufis. But all this is just material for describing modernity, revealing the relationship between the individual and society, human feelings and fantasies.*

**Keywords and expressions:** diary, memoirs, letter, Sufism, "new wave", syncretism, folk heritage, historical source, new style.

**Кириш.** Мақсад ва вазифалар. Мазкур мақолада замонавий араб ҳикоянависилигида “кундалик” жанр хусусиятлари тҳлил қилинган.

**Усуллар.** Мақолада кўйилган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда, қиёсий-тарихий, қиёсий-типологияк таҳлил методлардан фойдаланилган

**Натижалар ва мулоҳаза.** Бизга маълумки, мемуар – хотиралар, эсдаликлар бўлиб, “муаллифнинг ўтмишда ўзи бевосита иштирок этган ёки шоҳиди бўлган воқеалар ҳақидаги хотиралар баён қилинувчи адабий асар. Мемуар асарлар ўзининг баён йўсини, воқеаларни сюжетли тарзда берилмаслиги, вақт тартибига риоя қилиниши, фактографиклик хусусиятлари билан кундаликларга, материалнинг ҳаққонийлиги ва тўқиманинг йўқлиги жиҳатидан ҳужжатли-тарихий очерк, илмий биографияларга яқин туради. Жамол ал-Ғитоний ижодида кундалик жанри унинг ижодий фаолиятининг бошидан бошлаб мавжуд бўлган. Албатта, бу кундаликларда ҳозирда бўлаётган воқеалар билан бирга ўтмишда бўлиб ўтган тарихий воқеалар синкретлашиб (аралашиб), бунга “янги мавж” оқими таъсири ҳам сезиларли таъсир этиб, адиб янги услуб, янги мавзу қидириб топиш орқали ўзига хос услубни яратган. адиб 1945 йил 9-майда, яъни иккинчи жаҳон уруши тугаган кун кичик амалдор оиласида Мисрнинг юқори Сохаг вилоятининг ал-Гухайна қишлоғида таваллуд топди. Лекин унинг ёшлик ва ўсмирлик даври мамлук ёдгорликлари сақланиб қолган эски Қоҳиранинг Жамалийя деган маҳалласида ўтди. Жамалийя ва унга яқин бўлган Хусайнийяда Алининг ўғли Хусайннинг масжиди бўлиб, кейинчалик унинг асарлари кўпгина қаҳрамонлар билан юз берган воқеалар мана шу ерда кечади. Жамол ал-Ғитоний ўзининг ўсмирлик йилларини эслаб шундай дейди: “Ёзма тарих билан менинг танишишим эрта бошланди. Хусайн бошланғич мактабидан таҳсил олган давримда доимо ҳозирда ҳам мавжуд бўлган ва ал-Асхар масжидидан унча узок бўлмаган шайх ал-Тухамийнинг китоб дўконига борар эдим...”<sup>1</sup> Ал-Ғитонийнинг аксарият асарлари қайта-қайта нашр этилган ва дунёнинг кўп тилларига таржима қилинган. Лекин унинг бадиий адабиётдан кўра адабий ва илмий қизиқишлари кенгроқ. У ислом архитектураси билан қизиқиб, Қоҳира масжидлари, уйлари, ёдгорликлари ҳақида жуда кўп мақолалар ва тадқиқотлар нашр этган ва кейин уларни “Қоҳиранинг минг йиллик хислати” (1983) ва “Қоҳира кўчалари” (1984) китобларига жамлаган. У Марокаш, Судан, Ироқ, Туркия ва Венгрия мусулмон ёдгорликлари ҳақида ва мусулмон Миср тарихи бўйича жиддий мақолалар ёзган. Ундан ташқари, унинг репортажлари ҳақида иккита китоб ҳам чоп этилган. Ал-Ғитоний “миллий адабий меросдаги жанр ва услубий хусусиятларни замонавий романларга татбиқ этиб, қадимги анъанавий жанрлар (сийра, мақома, ҳикоят, сафарнома, ёзишув, тарихий хроника ва бошқалар)га мослаш ҳаракатини кучайтирди”<sup>2</sup>

Жамол ал-Ғитоний Мисрзамонавий адабиётининг машҳур ёзувчиларидан бўлиб, у Нажиб Махфузнинг шогирди ва давомчиси бўлган. Унинг энг машҳур асарлари: “аз-Зайнил Баракат, “Рисалатун фил важди ва-с-сабаба” романларидир. У XX асрнинг 80-йилларда “Ар-Рафийй”, “Рисалатун фил важди ва-с-сабаба” романларини яратган. Охириги романида

<sup>1</sup> Жамол ал-Ғитоний. Тажрибати фи китабат ал-қисса... //ал Хилал. 1977. № 3. –Б. 58-59.

<sup>2</sup> Мубаракова Д.А. Жамол ал-Ғитоний ва Суналлох Иброҳим ижодида Миср “янги роман” хусусиятларининг инъикоси. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация Автореферати. –Тошкент. 2011. –Б. 12.





Ўзбекистонда келиб олган таассуротлари, мисрлик зиёлининг руҳий инқирози ва сафар давомида шу инқироздан чиқиши ўз аксини топган. Миср халқ меросини замонавийлаштиришга ҳаракат қилиб, ўз ишларида халқ оғзаки ижоди хислатларини қайтадан яратади, тарихий манбалар, кундаликлар ва ҳужжатлардан ҳамда ислом – сўфийлари асарларидан фойдаланди. Лекин буларнинг ҳаммаси фақат замонани тасвирлаш учун, шахс ва жамият, инсоний ҳис-туйғулар ва ўй-хаёлларнинг ўзаро муносабатларини очиқ бериш учун материал ҳисобланади.

Жамол ал-Ғитоний ижодида кундалик жанри унинг ижодий фаолиятини бошидан бошлаб мавжуд бўлган. Албатта, бу кундаликларда ҳозирда бўлаётган воқеалар билан бирга ўтмишда бўлиб ўтган тарихий воқеалар билан синкретлашиб (аралашиб) кетган ва “янги мавж” таъсирида, янги услуб, янги мавзу қидириб топиш орқали ўзига хос услубни яратган. Шахсий кундаликларнинг айнан мана шу белгилари уни бадиий адабиётда қўлланишини белгилаб беради. Кундаликлар воқеаларни баён этиш шакли сифатида энг аввало, уни ёзган одамнинг бутунлай очиклиги, фикрларнинг самимийлиги ва ҳис-туйғуларнинг турли хилдалиги билан намоён бўлишидир. Бундай хислатлар кундаликка интим оҳангдошлик, лириклик, ҳаяжонли интонация беради ва бундай хислатлар билан бошқа адабий жанрларга тенглашиш қийиндир.

Кундаликнинг адабий аҳамияти унинг шаклида ёзилган асар доирасидан анча четга чиқади. Кундалик, одатда, янги ёзилган воқеаларни ва муаллиф дунёқарашининг атроф муҳитга ва ўзига нисбатан самимийлигини сақлайди.

Жамол ал-Ғитонийнинг “аз-Зайнил Баракат” кундалиги адибнинг бу кундаликда берган маълумотига кўра, шу номли роман ёзилганидан 25 йил ўтгандан кейин, яъни 1996 ёки 1997 йилда ёзилган. Бу ҳақида адиб шундай ёзади:

“Мана шундай қилиб олтмиш тўққиз ва етмишинчи йиллар ўртасида ёзган ривоятимнинг дастлабки уруғларини эка бошладим. Қоҳирада биринчи бор “Руз Юсуф” журналида нашр қилдим, бу тахминан 25 йил давомида нашр қилинди. Ёзувчи бир қанча босқичларни босиб ўтади, худди бирма-бир, босқичма-босқич ўсаётган бир ўғил кабидир. Ёш йигит бўлди, улғайди, одамлар орасига аралашди, у учун ўз ота-онасидан алоҳида бўлган ҳаёти ва ўзига хос олами бўлади”.

Бу сўзлардан шуни англаш мумкинки, адибнинг “аз-Зайнил Баракат” романи бир неча бор қайта-қайта нашр қилинган. “аз-Зайнил Баракат” кундалигини муаллиф нима учун бундай номлагани бизга маълум эмас, чунки кундаликнинг фақат биринчи қисмида, яъни бошида Зайний ҳақида сўз юритилади ва у шундай бошланади:

“Шайх Муҳаммад Аҳмад бин Ияс ал-Ҳанафий ал-Мисрий ёзган тарихнинг охирида давлатлар ўзгарди, ҳолатлар умуман алмашиб кетди. Миср икки денгиз (қизил ва оқ)ни ва икки ҳарам (Байтул-Ҳарам ва ал-Ақсо)ни ўз ичига оладиган мустақил Султонликдан Усманий давлатининг пойтахти Остонага бўйсунувчи вилоятга айланди. Миср тарихи зулмат қаърига кириб кетади ва биз бу ҳақида тўлиқ беш асрни батафсил баён қилган шайх Ибн Ийёс ёзганларининг охирида ўқиймиз. Тарихнинг охирида, охирги сатрларда шундай дейди: “Сўнг чоршанба (Зул-Ҳижжа 922 хижрий)да Қози Барокот бин Мусо ёзишчи, Қоҳирада асрдан кейин ҳар бир нарса ўз ҳолича қолсин, авом халқ ва савдогарларнинг барчаси эрталабдан Улуғ Ҳасаба ва Улуғ Захиранинг нозири Қози Барокот бин Мусонинг уйига келишлари айтилиб жар солинди. У эса бу вақтда Ҳасабада эди, бундан кўпгина кишилар хурсанд бўлди...”. Тўсатдан “Бадоиъ уз-Зухур (“Камёб гуллар”) тугаб қолди, тарихини ёзаётган вақтда Ибн Ийёс ажал олиб кетган кўринади”.

Ғитоний Миср қахрамони аз-Зайнил Баракат шахсияти ҳақида ўзининг илиқ сўзларини билдириб, уни “султонлик давридаги биринчи киши, умуман ҳар хил янги давлатлар соясида ҳам биринчи киши” эди, деб тарифлайди.

“аз-Зайнил Баракат” кундалигида муаллифнинг ёзишчи, “аз-Зайнил Баракат” романини Яҳё ал-Илмий исмли рассом сценарийлар ёзиш учун мутахассисларга берган, романдаги воқеаларга хулосалар ёзган. Ундан ташқари, мамлуклар асрини яхши билган адиб ва танқидчи Муҳаммад Саййид Ийд аз-Зайнил Баракат ҳақида дарслик ёзган. Муҳаммад





Сайид Ийд уч йил давомида сценария ёзиб, Яҳё ал-Илмий ва Мамдуҳ ал-Лайсийлар биргаликда уни телевизор сериалига айлантиришга муяссар бўлганлар. Албатта, бу нарсани амалга ошириш осон кечмади. Бу ҳақида Ғитоний шундай ёзади:

“Ўтган бир йил давомида Яҳё ал-Илмий ҳамкор тараф билан бирга жуда катта маблағ сарфлади. Шунингдек, катта тажриба ва ўз заковатлари билан танилган рассомлардан Набий ал-Ҳалфавий, Аҳмад Бадий, Рушвон Тавфик, Фаруқ ар-Рошидий, Отиф Тантовий ва бошқаларни меҳнати ҳам катта. Мен уни Миср телевиденияси Миср ва араб адабиётида намунали адабий матн сифатида тақдим қилишига умуман умид қилмайман. Ваҳоланки, ўтган йиллар давомида қиссани, сценарийни, сўзлашув тилини ва умуман мавзуни тўлалигича оғзаки тақдим қиладиган билан иш олиб борди, буни бажара оладиган иқтидорларни бир қўл бармоғи билан санаш мумкин...”

Жамол ал-Ғитоний Миср телевидениясининг жаҳон андозаларига тенглашаётганлиги, маданиятнинг ривожланиб бораётганлиги ҳақида сўз юритиб, яна Зайнийга қайтиб, унинг қисмати билан узоқ шуғулланганлиги, Ибн Ийёс унинг охири нима бўлганини зикр қилмаганлиги, роман кундалик ёзилган вақтга қадар ўн тўртта тилга таржима қилинганлиги ҳақида баён қилиб, 1984 йил ноябрда бир китоб сотиб олгани, у китобнинг номи “Миср Усманийлар даврида Соьиднинг ўрни” деб аталиб, уни Искандария Университетининг доктори Салоҳ Ҳарийдий ёзганлиги, уни ўқишга киришиб, қуйидаги сатрларга дуч келганини баён қилади:

“Тўсатдан, тарихчи Муҳаммад бин Аби ас-Сарур ал-Бакрийнинг “ал-Латоиф ар-Раббоний” (“Раббоний ҳадялари”) китобидан нақл қилиб келтирган аз-Зайнининг ниҳоясини ўз ичига олган иккинчи фаслдаги сатрларга дуч келдим. “Соьид Усманийларга қарши бошқа бир исённинг гувоҳи бўлди. Уларга қаршилик кўрсатишда биринчи бўлганлар иқлимларнинг ҳокимлари сифатида гавдаланди, улар Жаним ас-Сайфий Баҳна ва Файюмни очувчиси, Ийнол Ғарбий (томонни)нинг очувчиси, асосан 929 ҳижрийда Хойирбек ўлими кетидан Мустафо Пошшо ҳокимлигини билдиради. Султон Салим у охрида вафот этди, тахтни ёш бола эгаллади. Иккиси ҳам фурсатдан фойланди ва Шарқий томонга қараб юриб, Қоҳира ва Сурия ўртасидаги алоқани узиб қўйди. Мустафо Пошшодан олдин жўнатилган аз-Зайнил Баракат воситачилик қилмоқчи бўлди, лекин Ийнолга қарши унинг хиёнати фош бўлгач, ундан интиқом олди...”

Мана шу юқорида ўқиган воқеалардан кейин Ғитоний Зайнийни Соьид қатл қилган, деб айтади. Лекин адиб бу воқеаларни қандай кечгани, қаерда бўлганини билмайди.

“аз-Зайнил Баракат” кундалиги етти қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмдан кейинги олтига бўлим ҳафта номлари билан ажратилган. Фақат биринчи қисмда аз-Зайнил баракат ҳақида сўз юритилиб, қолган қисмлар турли воқеаларга бағишланган. Бу кундаликни ўқир эканмиз, унда кундаликлар каби ҳозир ва яқин орада юз берган ва ҳали совимаган воқеалар билан бир қаторда, адибни ўша кундалик ёзилган кун уни ҳис-ҳаяжонга солган воқеалар баён этилганлиги шоҳиди бўламиз. Адиб кундалик ёзилган кун воқеаларига бағишланган замон масалаларига кенг ўрин бериб, кундаликка ўзига хос бадий ифода берган. Масалан, кундаликнинг “чоршанба” деб номланган иккинчи қисмида ёзувчи кўрган-кечирганлари, ҳис қилган ва эшитганларини олинган таассуротлар совумасиданоқ қайд этади. Бу қисм шундай бошланади:

“Ахборот Вазирлиги Миср Сунъий йўлдошини ишга тушириш учун ҳисса қўшиш ҳақида Миср ахборот агентлиги эълон қилди. Миср маданиятини фазовий каналлар орқали қувват топишини, янги шакл ва мазмунга эга бўлшига умид қиламан. Бу узоқ гапиришни талаб қиладиган мавзу бўлиб, мен унга қайтмоқчи эмасман. Албатта, орзу – араб маданиятини мустаҳкамлаш ва уни қувватлантиришдир. Араб тили вақт ўтиши билан йўқолишидан ва эътиборсизланишидан қутқаришда, ҳозирда араб оламининг асосан, Шимолий Африкадаги баъзи қисмларидан узилиб қолишидадир. Бунда Миср бош маъсулиятни ўз зиммасига олишида, телевизор бош ва муҳим воситадир. Демак, ... Миср Сунъий йўлдоши биз кутаётган ваунга муваффақият тилайдиган улкан қадам экан”.





Кўриб турганимиздек, “аз-Зайнил Баракат” кундалиги ёзилган ўша 1996-1997 йилларда Миср Сунъий йўлдошини ишга тушириш ҳақида хабарлар эълон қилинган ва бундан таъсирланган адиб, ўз ички кечинмаларини, ўй-хаёлларини, ҳис-ҳаяжонларини ҳали совимасдан қаламга олган.

“аз-Зайнил Барокат” кундалигининг “жума” деб номланувчи қисми ўзига хос лирик ҳис-ҳаяжон билан ёзилган бўлиб, унда адибнинг кундалик ёзилган кунги ва анча аввал ўтган кундаги руҳий ҳолати тасвирланган. Бу қисм шундай тасвирланади:

“Денгизга хожатманд бўлдим, менда тўсатдан кучли тўхтатиб бўлмас, отилиб чиққан ва хошиш сари ундовчи истак пайдо бўлди. Худди бир яширин овоз мени чақираётгандек эди. Билдимки. Мен ўша онда хафа эдим, тавсифини билмайдиган сирли бир гўзалликка хожатманд эдим. Хошишим йиллар ўтиши билан ортиб борар эди, мен тавсифлашга ожиз бўлган шундай бир мусифа эшитишни қаттиқ истадим, бу борлиқ қаъридан отилиб чикувчи мусиқа бўлиб, денгиз уни ваҳий қиляпти ва мен ундан ажралишим мумкин эмас”.

Бизнинг назаримизда, адиб бу сатрларни ёзганида, Искандариянинг Шарқий Мино қирғоғига яна бориш ҳақидаги туйғулари билан тўлган ва шу сабабдан шу сатрларни ёзган. Ёзувчилар одатда, таъсирчан бўладилар, нималардандир илҳомланадилар, нималардандир ранжиб хафа бўладилар. Адиб “мен ўша онда хафа эдим” дейди. Балки, у ўз кайфиятини кўтариш учун денгизга, океанга бориш, қуёш ботишини кўриш, қадимги қалъаларни томоша қилиш, шамол ва денгиз овозига кулоқ солиш, ҳайратланарли ёруғлик, мовий қояларни кўришни истаётгандир. Балки, у умидсизлик руҳи пайдо бўлганида ҳам у ерда ётган ахлатларга эътибор бермасдан ўз руҳиятини жамламоқчидир. Лекин нима бўлганда ҳам, адиб “жума” деб номлаган кун, қандайдир ҳиссиётларга берилган кун эди. У мана шу ҳиссиётларни бадий ифодалашдан ўзини тиёлмаган.

“аз-Зайнил Баракат” кундалигининг тўртинчи “шанба” деб номланувчи қисмида адиб ўттиз беш ёшли хаттот йигит Ҳомид ал-Увайд ҳақида сўз юритади. Унинг бу санъати ажойиб санъатлардан эканлиги айтиб, Қоҳиранинг қадимий бинолари, масжидлари пештоқ ва деворларига катта маҳорат билан ёзилган шеър, оятлар ҳақида мисол келтириб баён этади ва шундай дейди:

“Ёзув санъатини сақлаб қолиш маданий заруриятдир. Бу ердан адабиёт хабарлари газетасида ёзув (хаттотлик)нинг пайдо бўлиши ва ундан намуна нашр қилиш йўлга қўйилди. Ҳомид ал-Увайд ёзувлари ўзининг гўзаллиги ва ажойиблиги билан ажралиб туради, улар унинг ичидан тошиб чиққан бир руҳий ҳиссиёт”.

“аз-Зайнил Баракат” кундалигида “шанба” номи икки қисм кетма-кетликда келган ва иккинчи “шанба” қисмида адиб ватан, инсонийлик, ватан учун курашган жангчилар, Мисрнинг ички ва ташқи сиёсати, жаҳон сиёсати, дипломатия ҳақида сўз юритади. Дунёда содир бўлаётган уруш, зиддиятларни ҳал қилишда, ядровий қуроолларни йўқ қилишда Мисрнинг ўрни ҳақида гапириб, шундай дейди:

“Қоҳирада дунё йиғилиши (конференция)ни ташкил қилишга киришиш мумкин, унга арбоблар, олимлар ва сиёсий шахслар чақирилади, шиори эса “тинчлик ва башариятни сақлаб қолиш йўлида ядровий қуроолларга қарши” бўлсин”.

Кўриб турганимиздек, Жамол ал-Ғитоний сиёсатчи бўлмаса-да, дунёда содир бўлаётган воқеаларга бефарқ эмас. У ўз ватанининг ҳақиқий фидокори, ўз халқини ва дунёнинг бошқа халқларини севувчи халқпарвардир. У сиёсий воқеаларни, яъни замона масалаларини бадий ифодалар экан, бундан ягона бир мақсадни, яъни тинчликни, бутун дунёдаги тинчликни шиор тарзида олға суради.

“аз-Зайнил Баракат” кундалигида “якшанба” деб номланган олтинчи қисмида Ғитоний Қоҳирада жойлашган осори атиқалар ҳақида сўз юритади. Юқорида айтиб ўтганимиздек, Ғитоний ислом архитектураси билан қизиқиб, Қоҳира масжидлари, уйлари, ёдгорликлари ҳақида жуда кўп мақолалар ва тадқиқотлар нашр этган ва кейин уларни “Қоҳиранинг минг йиллик хислати” (1983) ва “Қоҳира кўчалари” (1984) китобларига жамлаган. Шунинг учун бўлса керак, “аз-Зайнил Баракат” кундалигида ҳам мана шу масалаларга яна бир бор қайтади. Адиб Қоҳиранинг мана шу қадимий ёдгорликларидан руҳланади, умидсизлик,





хафагарчилик кунларида мана шундай жойларга келиб ором, куч-қувват олади. Бу ҳақида у шундай дейди:

“Ал-Мақризий Қоҳиранинг ўртаси, яъни унинг умуртка суяги ва нерв томиридир. Асрлар оша унга гуруҳ-гуруҳ бўлиб келган чет элликлар ва сайёҳларнинг маркази. Мен учун бу кўча юрагимдаги артерия қон томирлари, руҳимдаги бир йўлдир. Кўпгина кунларим ва йилларим унда ўтади. Тўсатдан келган кулфатлардан, кетма-кет келган хафагарчиликлардан, баъзи ҳолатларимни ўзгартириш ёки алмаштиришга ожиз қолганимда вужудга келадиган умидсизлик тўлкинларидан қочадиган жойларимдан биридир”.

Адиб бу кўча ҳақидаги фикрларини давом эттирар экан, бу кўчада қанча воқеалар содир бўлганини, кўча куннинг ҳар бир қисмида ўзига хос ўзгаришга киришини, ундаги ҳар бир нарса, ҳатто тошлар ҳам қанчадан-қанча тарихий воқеаларни шоҳиди бўлганини баён қилиб, бу кўча ва ундаги осори атиқаларни ҳозирги замонда сақланиш ҳолати яхши эмаслиги қайғуриб гапиради. У бу ёдгорликларни асраш ва сақлаш учун Қоҳира ҳокими Умар Абдулохурга, ёдгорликлар ҳайъати аъзоси Абдулҳалим Нуриддинга ўзига хос равишда таклиф ва мулоҳазалар билан мурожаат қилади. Бу билан у ўз кундалигида ўзини ташвишга солган замон масалаларини, қайғурган ҳолатларини бадиий ифода этади.

“аз-Зайнил Баракат” кундалигининг охириги “сешанба” деб номланган еттинчи қисмида Жамол ал-Ғитоний адабиёт мавзуида сўз юритиб, адабий танлов, мусобақа ҳақида фикрлар билдириб, ўзи ҳам Ан-Наср журнали билан биргаликда уюштирган мусобақа ҳақида баён қилади ва бу танлов ҳақида шундай дейди:

“Ан-Наср журнали билан бир мусобақани ташкиллаштиришдаги иштироким шахсиятимда кўп ҳиссиётларни уйғотди. Ўтган вақт давомида танланган адиб ва тақризчиларни ўз ичига олган ҳакамлар ҳайъатидаги сафдошларим билан бирга ўқидим. Унда ғолиб чиққан йигирмата қиссани нашр қилишга жой ажратишларини қанчалик орзу қилдим. Лекин улардан бирини қисқа келтириш билан кифояланаман. Аммо, матннинг ўзи Ан-Наср журнали ва Адабиёт хабарларида нашр қилинади. Қачон бир яхши асарни ўқимокчи бўлсам, шеригимдан менга уни ўқиб беришини талаб қиламан, гоҳида уларга уни қисса қилиб айтиб бераман”<sup>1</sup>.

Жамол ал-Ғитоний кундаликнинг бу қисмида ўзига ёққан “Аби” (“Отам”) қиссасида инсонийлик руҳида ёзилган чиройли қисқа қисса бўлиб, бу вақтга қадар бундай қиссани ўқимаганлигини айтиб, қиссанинг асосий мавмуини баён қилади.

Жамол ал-Ғитонийнинг “Олийжаноб халифа” хикояси ҳам кундалик – мемуар жанрида ёзилган. Бизга маълумки, мемуар – хотиралар, эсдаликлар бўлиб, “муаллифнинг ўтмишда ўзи бевосита иштирок этган ёки шоҳиди бўлган воқеалар ҳақидаги хотиралар баён қилинувчи адабий асар. “Мемуар асарлар ўзининг баён йўсини, воқеаларни сюжетли тарзда берилмаслиги, вақт тартибига риоя қилиниши, фактографиклик хусусиятлари билан кундаликларга, материалнинг ҳаққонийлиги ва тўқиманинг йўқлиги жиҳатидан ҳужжатли-тарихий очерк, илмий биографияларга яқин туради”<sup>2</sup>.

Адибнинг “Олийжаноб халифа” асарини ҳам кундалик, ҳам мемуар деб айтсак хато бўлмайди. Чунки Ғитоний бу асарида кундаликларга хос бўлган муаллифнинг кўрган-кечирганлари, ҳис қилганларидан олинган таассуротларни совумасданок қайд этмайди, балки анча олдин бўлиб ўтган воқеа ва ҳис-туйғуларни унда баён этган. Бизга маълумки, кундаликларни мемуар адабиётга тегишлилиги ҳақидаги масала мемуар ва кундаликлар ўртасидаги фарқ ва тафовутларни белгилаб беради. Ёзишмалар, хотира дафтарлари, хотиралар, автобиографиялар ва ниҳоят, мемуар кундаликлар мемуар адабиётнинг типик жанрларидан бири ҳисобланади. Бинобарин, мемуар ва кундаликлар ўртасида аввалдан умумийлик мавжуд бўлиб, кундаликларда ҳам мемуарларда ҳам муаллиф ўзи иштирок этган ва ўз кўзи билан кўрган воқеалар ҳақида сўз юритади.

<sup>1</sup> Жамол ал-Ғитоний. “Қувтул уйун”. –Қоҳира. 1998. –Б.

<sup>2</sup> Қуронов Д. Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. Тошкент. 2010. –Б. 168.





Жамол ал-Ғитонийнинг “Олийжаноб халифа” сида ҳам муаллиф кундаликларга хос равишда ҳафта кунларини қайд этиб, ўзи иштирок этган ва ўз кўзи билан кўрган воқеалар ҳақида сўз юритади. Масалан, бу кундаликнинг “шанба” деб номланган бош қисмида муаллиф олийжаноб Халифа ҳақида сўз юритади, бу шундай бошланади:

“Олийжаноб халифа кутмаган чоғимизда келар ва аксинча, биз интизор бўлиб кутганимизда келмасди. Дўстимга уни ўқув хонамга кириши гўё шахтам қадамлар билан кириб келаётган кишилар каби эшик ёки деразадан бўлишини айтардим. Ўша кишилар сувни устида юришар, масофани эса фазода босиб ўтишар эди, олийжаноб халифанинг рўпарамда ҳақиқий мисрлик сўзлаган юз ифодалари билан қараб турганини, унинг доимий табассуми батамом бўлмаган йиғи билан аралашиб кетганини кўрардим. Унга жимгина назар солиб турардим, у гоҳо табассум қилар, гоҳо ўтирар, адабиёт хабарлари учун чизган плакатини чемоданидан оларди. У ўз фанининг ҳақиқий устози эди, қадимги Фиръавн санъатининг сир-асрорларини, обида ва мақбараларнинг ранглари, юз ифодаларини, суратларини, калхат, каптар ва улардан катта кўриқчи чиқадиган тоғ бургутлари бўлмиш ҳақиқий мисрлик кушларнинг садоларини, қибтий санъатининг жавҳари бўлиб ҳисобланган сир-асрорларни ёддан биларди”<sup>1</sup>.

Ушбу парчадан кўриб турибмизки, Ғитоний Халифанинг олийжаноб инсон эканлиги, у санъатшунос бўлиб, ҳақиқий мисрлик, ҳақиқий устоз ва самимий инсон эканлиги ҳақида сўз юритмоқда. Адиб Халифа ҳақидаги ўз таассуротлари ва фикрларини баён этар экан, 1967 йилдаги июн воқеалари ҳақида сўз юритиб, шундай ёзади:

“Июнь ҳаробаларидан сўнг мавломиз ва саййидимиз Хусайнниг масжиди ижарага топширилиди, уйимиз хавфсиз, тинчлик билан таъминланган пок қабристоннинг яқинида жойлашганди. Вайронагарчилик юз бераётган кунларнинг бирида ерга ёзилган гилам ва тўшакларни супуришга қарор қилдик, кейин девор тепасига осилган чиройли лавҳлардаги чангларни артишни бошладик. У нафас олгандек расм чизар, фақатгина ўзига мамнун бўлган ва ҳис қилган нарсанигина чизарди... Лекин мен унинг плакатларидан тушундимки, албатта у ушбу ватаннинг сирини етказган ва айтган оз кишидан бири эди”.

Жамол ал-Ғитоний ўзининг барча асарларида 1967 йил июнь воқеаларини ҳақида оз бўлса-да гапириб ўтади. “Олийжаноб Халифа” кундалигида ҳам биз шу нарсани кўрамиз. Ёзувчи Халифанинг ҳали ҳеч бир суратлар кўргазмасини ўтказмаганлиги ва уни намойиш этолмаганлигини Миср учун мудҳиш бўлган мана шу июнь воқеалари туфайли деб билади. Юқоридаги парча охиридаги сўзларга диққат қаратсак, муаллиф Халифани олийжаноб деб айтишида ўзига яраша нақл борлигини, яъни бу инсон расом сифатида ўз ватанини севиши, унинг суратлари асосан ватан ҳақида эканлигини билдирмоқда.

“Олийжаноб Халифа” кундалигида “якшанба” деб номланган қисмида ҳам Ғитоний бир қанча ёзувчиларнинг асарлари ҳақида, қачонки бирон бир китоб ўқиса, ўзини бахтиёр сезиши ҳақида сўз юритиб, бу ёзувчилар асарида ватан туйғуси, уруш даҳшати ва унинг иштирокчилари ҳақида сўз юритади ва шундай ёзади:

“Урушни шохиди бўлган кимсанинг ҳақиқий тажрибага таянган воқеалар билан ҳикоя қилинади, муаллифи Фатҳий Эмбабе ҳимоядаги янги олинган аскар эди. Сен ўқиган энг чиройли ҳикоядаги уруш иштирокчиси ва жонли тажриба асосида ва мен собик корреспондент бўла туриб энг муҳим нарса, жонли тажрибани бошқалардан кўра кўпроқ хис қилиши илгари сурилди”.

Кўриб турганимиздек, Ғитоний яна 1967 йил июндаги воқеалар ҳақида сўз юритмоқда. Адибнинг автобиографиясидан маълумки, у бу вақтда газета корреспонденти бўлиб ишлаб, урушнинг даҳшатли воқеаларидан хабардор бўлган.

Жамол ал-Ғитоний “Олийжаноб Халифа” кундалигининг “сешанба” деб номланган қисмида Қоҳира кутубхоналари ҳақида сўз юритади ва бу қисмни шундай бошлайди:

“Ўтган йиллар давомида бир неча ишчилар иштирок этган ва Қоҳира кутубхонасига асос солган ишчилар ҳозирги вақтгача давом этмоқда. Албатта мен Қоҳира кутубхонасини

<sup>1</sup> Таржималар битирув малакавий иши муаллифиники.





барпо қилишлик ва уни қуришлик савобли амаллардан деб эътироф қиламан. Ҳар бир кутубхона келажак учун бойлик бўлиб ҳисобланади. Мана шу кутубхонани эслашликда давомий бўлади ва у маърифат таратувчи бўлади. Унга фақат маърифат эгасигина эгалик қилади”.

Адиб бу қисмда Шавқий биносида бошланғич мактаб кутубхонаси, Ҳусайнийя мактабидаги тайёрлов кутубхонаси, Ал-Азҳар кутубхонаси, асосий эшикда оммавий кутубхона борлиги ҳақида ҳам ўзига хос маълумот беради ва ўзи ҳам оммавий кутубхонага шн тўрт ёшидан бошлаб борганлиги, биринчи борганида ҳаяжонлиги ва китоблар билан ҳақиқий дўстлашиш шу ердан бошланганлиги қайд этади. Ундан ташқари муаллиф, Андалусия иморатини эслатувчи, Нил дарёсига чўзилган, кенг ва чиройли, меъморий санъатлар билан безатилган ва мана шу қаср (қаср 1984 йилда 96 ёшида вафот этган қироличага тегишли бўлиб, ўлим чоғида ушбу қасрни кутубхона ёки музей каби санъат дурдонаси мақсадида хусусийлаштирилишини васият қилган) даги Қоҳира кутубхонаси ҳақида сўз юритади.

Шундай қилиб, Жамол ал-Ғитонийнинг “Олийжаноб Халифа” кундалигида муаллифнинг ўзи кўрган-кечирган, шоҳиди бўлган воқеалар тизими акс эттирилган бўлиб, бу кундалик ёзувчининг ўз ватани ва ватандошларига бўлган муносабати, яъни уруш воқеалари туфайли қайғуриши, урушнинг даҳшати, қатор ёзувчиларнинг ватан ҳақидаги асарлари, Мисрнинг олийжаноб ватанпарвар ва инсонпарвар одамлари, олимлари, Қоҳира кутубхоналари ва умуман Миср боғлиқ унинг хотира ва мулоҳазалари баён этилган. Адиб ёзувчи, ватанпарвар сифатида ўз ватани ва ватандошлари тақдирдан қайғуради ва ўз хистуйғуларини, мулоҳазаларини мана шу кундаликлар орқали намоён этади. Кундаликда муаллиф ўй-фикрлари баёни, изҳорларидаги самимият, муносабат ва баҳо ифодасида ҳаққонийлик кузатилади. Худди шу нарса кундаликка ҳужжатлилик даражасида ишонарлилик бахш этади. “Олийжаноб Халифа” кундалигида кўпроқ муаллифнинг шахсий реаллиги, унинг ўзи билан бевосита боғлиқ воқеалар акс эттирилган. Уларда олам ва одам, ҳаётнинг маҳияти, бирон бир конкрет ҳаётий масала юзасидан мушоҳадалар ифода этилган. Мазкур хусусиятлар туфайли ёзувчи юритган кундалик адабиётшунослик учун, айниқса, биографик йўналишдаги тадқиқотлар учун беқиёс манбага айланган. Бундан ташқари, ушбу кундалик бадий ният ижроси учун жуда қулай имкониятлар яратган бўлиб, бадий адабиётда муҳим композицион унсур сифатида ўз ифодасини топган.

**Хулоса.** Хулоса қилиб айтганда, Жамол Ал-Ғитонийнинг “аз-Зайнил Баракат” кундалиги адибнинг бу кундаликда берган маълумотига кўра, шу номли роман ёзилганидан 25 йил ўтгандан кейин, яъни 1996 ёки 1997 йилда ёзилган. Ёзувчи бу кундаликда аз-Зайнил Баракат, Мисрда Сунъий йўлдошни ишга тушириш ва телевидения зарурияти, Искандариянинг Шарқий Мино соҳиллари, хаттотлик санъати ва унинг роли, ўз замонасининг муҳим ва долзарб сиёсий, ижтимоий муаммолари, Қоҳирада жойлашган осори атиқалар ва уларни сақлаш масалалари, адабий танлов, мусобақа натижалари ҳақида бу кундаликни ёзган вақтдаги таассуротлари, ҳиссиётлари, туйғулари, қайғуришлари, рухий ҳолати, ўй-фикрлари, таклиф ва фикр-мулоҳазаларини акс эттирган бўлиб, бу нарсаларнинг барчаси замон масалалари билан боғлиқ тарзда бадий ифода этилган. Бу кундаликни ўқир эканмиз, унда кундаликлар каби ҳозир ва яқин орада юз берган ва ҳали совимаган воқеалар билан бир қаторда, адибни ўша кундалик ёзилган кун уни ҳис-ҳаяжонга солган воқеалар баён этилганлиги шоҳиди бўламиз.

